

“РАҚАМЛИ СУД” КОНЦЕПЦИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Саддам ҚОДИРАЛИЕВ

кичик илмий ходим

Тошкент давлат юридик университети

Тошкент, Ўзбекистон

saddamkadiroff@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида “Рақамли суд” концепциясини жорий этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари, судлар фаолиятини рақамлаштиришга оид амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, процессуал қонунчиликдаги электрон суд иш юритуви элементлари ҳамда судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: рақамли суд, электрон одил судлов, судлар фаолиятини рақамлаштириш, сунъий интеллект, электрон ҳужжат, видеоконференцалоқа, процессуал кафолатлар, суд мустақиллиги, киберхавфсизлик.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ ОСНОВ КОНЦЕПЦИИ “ЦИФРОВОЙ СУД”

Саддам КОДИРАЛИЕВ

Младший научный сотрудник

Ташкентский государственный

юридический университет

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье анализируются конституционно-правовые основы внедрения концепции “Цифровой суд” в Республике Узбекистан, действующие нормативно-правовые акты, регулирующие цифровизацию деятельности судов, элементы электронного судопроизводства в процессуальном законодательстве, а также правовые вопросы, связанные с внедрением технологий искусственного интеллекта в деятельность судов.

Ключевые слова: цифровой суд, электронное правосудие, цифровизация деятельности судов, искусственный интеллект, электронный документ, видеоконференцсвязь, процессуальные гарантии, независимость суда, кибербезопасность.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, судлар фаолиятининг очиклиги ва самарадорлигини таъминлаш, ишларни кўришда инсон омили билан боғлиқ ортиқча бюрократик жараёнларни

камайтириш ҳамда замонавий ахборот технологияларидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда “Рақамли суд” концепцияси суд ҳокимияти фаолиятини янги босқичга олиб чиқувчи муҳим ҳуқуқий ва ташкилий механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур масалани таҳлил қилишда, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустақамланган одил судловга оид асосий қоидаларга муурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Шунингдек, Конституциянинг 136-моддасида судьяларнинг мустақиллиги, фақат Конституция ва қонунга бўйсунуши, уларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашушга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Конституциянинг 137-моддасига кўра, ҳамма судларда ишлар очик кўрилади, ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга эса фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади [1].

Кўриниб турибдики, “Рақамли суд” концепцияси фақат судлар фаолиятига техник воситаларни жорий этиш масаласи эмас. У суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, судья мустақиллиги, суд муҳокамасининг очиклиги, тарафлар тенглиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва процессуал кафолатлар билан бевосита боғлиқ комплекс ҳуқуқий институт сифатида шаклланиши лозим. Шу сабабли “Рақамли суд”ни жорий этишда технологик самарадорлик билан бир қаторда конституциявий кафолатларни таъминлаш биринчи навбатдаги вазифа бўлиб қолади.

Судлар фаолиятининг умумий ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунида белгиланган. Мазкур Қонун суд ҳокимиятининг мустақиллиги, суд тизими, судларнинг асосий вазифалари, судьяларнинг мақоми ва судлар фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиди [2]. “Рақамли суд” концепциясининг

хуқуқий асосларини такомиллаштиришда ушбу Қонунда белгиланган суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловни амалга ошириш принциплари устувор аҳамиятга эга. Чунки судлар фаолиятига сунъий интеллект ёки бошқа рақамли технологияларни жорий этиш судьянинг ички ишончи, мустақиллиги ва қонунга бўйсунуш принципини чекламаслиги керак.

Ўзбекистонда судлар фаолиятини рақамлаштиришга оид ислохотлар бирданига пайдо бўлган эмас. Бу йўналишда 2017 йил 30 августда қабул қилинган “Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–3250-сон қарор, шунингдек, 2020 йил 3 сентябрдаги “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4818-сон қарор муҳим ўрин тутган [3]. Бироқ бу ҳужжатлар суд тизимини рақамлаштиришнинг аввалги босқичларига хос бўлиб, ҳозирги кунда “Рақамли суд” концепциясини шакллантириш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашда асосий манба сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 августдаги “Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техника таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–140-сон Фармонини кўрсатиш лозим [4].

Ушбу Фармоннинг энг муҳим жиҳати шундаки, унда “Рақамли суд” концепцияси судга мурожаат қилишдан тортиб, суд материаллари билан танишиш, суд мажлисида масофадан иштирок этиш, суд харажатларини электрон ҳисоблаш ва тўлаш, ижро варақаларини автоматик ижрога юбориш, суд баённомаларини реал вақт режимида матн шаклида тайёрлаш ҳамда суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик шакллантириш каби бир нечта ўзаро боғлиқ процессуал ва ташкилий жараёнларни қамраб олиши билан аҳамиятлидир.

Фармонга кўра, 2025 йил якунига қадар Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий низоларни кўришга

мўлжалланган суд мажлиси залларида “Рақамли суд” концепциясини жорий этиш, тажриба натижаларига кўра эса 2026–2027 йилларда ушбу концепцияни республиканинг барча судларида босқичма-босқич татбиқ этиш белгиланган. Бу эса мазкур концепцияни ҳуқуқий жиҳатдан пухта тартибга солиш заруратини янада кучайтиради. Зеро, тажриба тариқасида амалга ошириладиган ҳар қандай ҳуқуқий-институционал механизм кейинчалик умумреспублика миқёсида жорий этилиши учун аниқ ҳуқуқий мақом, процессуал чегаралар ва кафолатларга эга бўлиши лозим.

Амалдаги процессуал қонунчиликда “Рақамли суд” концепциясига яқин бўлган айрим ҳуқуқий механизмлар мавжуд. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексида фуқаролик иши электрон шаклда шакллантирилган тақдирда, суд ҳужжатлари судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши, суд мажлислари ҳамда процессуал ҳаракатлар баённомалари эса раислик қилувчи ва суд мажлиси котибининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши белгиланган [5]. Шунингдек, электрон шаклда шакллантирилган фуқаролик ишини бошқа судга ёки ўзга органга ўтказиш ахборот тизими орқали амалга оширилиши назарда тутилган.

Иқтисодий процессуал кодексида ҳам мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкинлиги, иқтисодий иш электрон шаклда шакллантирилган тақдирда суд ҳужжатлари судьянинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши белгиланган [6]. Маъмурий суд ишларни юритиш тўғрисидаги кодексида маъмурий иш электрон шаклда шакллантирилганда суд ҳужжатлари, суд мажлиси ва алоҳида процессуал ҳаракатлар баённомаларини электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш тартиби назарда тутилган [7]. Жиноят-процессуал кодексида эса суд мажлиси видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тақдирда, суд мажлиси баённомасида бу ҳақдаги маълумотлар, техник воситалар ва видеоконференцалоқа ўтказилишига кўмаклашган суд ва ходимлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилиши лозимлиги белгиланган [8].

Мазкур нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, миллий процессуал қонунчиликда электрон ҳужжат, электрон рақамли имзо, электрон иш, видеоконференцалоқа, электрон юбориш ва ахборот тизими орқали маълумот алмашиш каби элементлар мавжуд. Бироқ улар турли кодексларда тарқоқ ҳолда акс этган. Ушбу нормалар “Рақамли суд”ни ягона комплекс ҳуқуқий институт сифатида тартибга солиш учун етарли эмас. Шу боис “Рақамли суд” концепциясини амалда самарали қўллаш учун процессуал кодекслардаги электрон суд иш юритувиغا оид нормаларни ўзаро уйғунлаштириш, уларда ягона тушунчалар апаратини шакллантириш ва рақамли процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг умумий қафолатларини белгилаш зарур.

Илмий адабиётларда ҳам судлар фаолиятини рақамлаштириш ва электрон одил судлов масалалари бўйича турли ёндашувлар илгари сурилмоқда. Н.С. Пулатова электрон одил судловни таҳлил қилар экан, “electronic judicial process”, “digital court proceedings”, “judicial digitalization”, “digital justice”, “smart courts” каби тушунчаларни фарқлаш зарурлигини таъкидлайди [9]. Муаллифнинг фикрига кўра, судларни рақамлаштиришни фақат судларни компьютер техникаси ва ахборот тизимлари билан таъминлаш сифатида тушуниш тўғри эмас; у процессуал ҳаракатларни электрон шаклда амалга ошириш, электрон ҳужжат алмашинуви ва суд иш юритувининг янги шакллари ҳам қамраб олиши лозим.

Д.П. Комолов Ўзбекистон Республикаси суд тизимини рақамлаштириш жараёнини таҳлил қилиб, судлар фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишнинг асосий мақсадлари сифатида суд фаолиятининг очиқлиги, шаффофлиги ва тезкорлигини таъминлаш, суд ишларини кўриш сифатини ошириш, аҳолининг одил судлов ҳақида хабардорлик даражасини кучайтириш, коррупция, бюрократия ва суиистеъмолчилик ҳолатларини камайтиришни кўрсатади [10.]. Ушбу ёндашув “Рақамли суд” концепциясининг фақат техник эмас, балки институционал ва профилактик аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

М. Насуллаев судлар фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш масалаларини таҳлил қилар экан, судга электрон мурожаат қилиш, суд мажлисида масофадан иштирок этиш, суд ҳужжатларини автоматик шакллантириш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш ва сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш суд тизимида очиклик ва самарадорликни оширишга хизмат қилишини қайд этади [11]. Бироқ бундай ёндашувни янада ривожлантирган ҳолда таъкидлаш лозимки, рақамли технологиялардан фойдаланиш судьянинг мустақиллиги, тарафларнинг процессуал тенглиги ва шахсий маълумотлар муҳофазаси каби кафолатлар билан мувозанатлаштирилмаса, рақамлаштиришнинг ўзи янги ҳуқуқий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

А. Ўролов ва Н. Янгибоев маъмурий суд иш юритувининг рақамли даврдаги муаммо ва истикболларини таҳлил қилиб, рақамли суд тизими суд ишларини тезлаштириш ва фуқаролар учун қулайлик яратиш билан бирга, рақамли тенгсизлик, ахборот хавфсизлиги ва электрон хизматлардан фойдаланиш кўникмалари билан боғлиқ муаммоларни ҳам келтириб чиқариши мумкинлигини кўрсатади [12]. Мазкур фикр “Рақамли суд” концепциясини ҳуқуқий тартибга солишда инклюзивлик принципи, яъни электрон хизматлардан фойдалана олмайдиган шахслар учун муқобил механизмларни сақлаб қолиш зарурлигини асослайди.

Шу нуқтаи назардан, “Рақамли суд” концепциясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда, энг аввало, “рақамли суд” тушунчасини қонунчиликда аниқ белгилаш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, “рақамли суд” деганда судга мурожаат қилиш, ишни қабул қилиш ва тақсимлаш, суд материаллари билан танишиш, суд мажлисида иштирок этиш, суд ҳужжатларини шакллантириш, қабул қилиш, юбориш ва ижрога қаратиш жараёнларида ахборот тизимлари, электрон ҳужжат айланиши, электрон рақамли имзо, видеоконференцалоқа ва сунъий интеллект технологияларидан қонунда белгиланган процессуал кафолатлар асосида фойдаланиладиган одил судловни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунилиши лозим.

Бунда сунъий интеллект технологияларининг ўрни алоҳида ҳуқуқий тартибга солиниши керак. ПФ–140-сон Фармонда сунъий интеллект ёрдамида суд муҳокамасининг тахминий натижаси ва харажатларини шакллантириш, суд ҳужжатлари лойиҳаларини автоматик тайёрлаш, баённомаларни реал вақт режимида матн шаклида шакллантириш каби вазифалар назарда тутилган. Бироқ сунъий интеллектга судья ўрнини босувчи эмас, балки унга кўмаклашувчи восита сифатида қаралиши шарт. Суд қарори фақат судья томонидан, қонун, иш материаллари ва ички ишонч асосида қабул қилиниши лозим. Сунъий интеллект томонидан берилган таҳлил, тахмин, тавсия ёки автоматик шакллантирилган ҳужжат лойиҳаси судья учун мажбурий бўлмаслиги керак.

Бу борада Европа Кенгаши ҳузуридаги Одил судлов самарадорлиги бўйича Европа комиссияси – СЕРЕЈ томонидан қабул қилинган суд тизимида сунъий интеллектдан фойдаланиш бўйича Европа этик хартияси муҳим аҳамиятга эга. Унда сунъий интеллект одил судлов самарадорлиги ва сифатини оширишга хизмат қилиши мумкинлиги, бироқ у инсон ҳуқуқлари, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, камситмаслик, шаффофлик, холислик ва фойдаланувчи назорати принципларига мувофиқ қўлланилиши лозимлиги қайд этилган [13]. Ўзбекистонда “Рақамли суд” концепциясини ҳуқуқий тартибга солишда мазкур принциплар миллий қонунчиликка мослаштирилган ҳолда инобатга олинishi мақсадга мувофиқ.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам “Рақамли суд” концепциясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, Эстонияда *e-File* тизими суд, прокуратура, полиция, қамоқхона ва бошқа органлар ахборот тизимлари билан интеграциялашган марказий ахборот тизими сифатида ишлайди. У фуқаролар ва уларнинг вакилларига фуқаролик, маъмурий, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича процессуал ҳаракатлар, суд қарорлари ва ишнинг турли босқичлари ҳақида маълумот олиш имконини беради [14]. Эстония тажрибасининг эътиборли жиҳати шундаки, электрон суд тизими фақат ҳужжат юбориш воситаси эмас, балки турли

давлат органлари ўртасида ахборот алмашинувини таъминловчи интеграциялашган процессуал платформа сифатида ишлайди.

Сингапурда *eLitigation* платформаси судларга ариза ва ҳужжатларни электрон тарзда топшириш имконини беради. Расмий маълумотларга кўра, ушбу платформа фуқаролик ишлари, оилавий ишлар ҳамда Олий судда кўриладиган айрим жиноят ишлари бўйича ариза ва ҳужжатларни электрон тақдим этиш учун мўлжалланган [15]. Сингапур тажрибасида муҳим жиҳат шундаки, электрон суд хизматларидан мустақил фойдалана олмайдиган шахслар учун Service Bureau орқали ҳужжатларни топширишда амалий ёрдам кўрсатиш механизми мавжуд [16]. Бу Ўзбекистон учун ҳам муҳим, чунки “Рақамли суд” концепциясини жорий этишда барча шахсларнинг рақамли саводхонлиги ва техник имконияти бир хил эмаслиги ҳисобга олиниши лозим.

Буюк Британия тажрибасида Online Civil Money Claims ва Money Claim Online каби хизматлар пул талабларига оид айрим фуқаролик даъволарини онлайн тарзда киритиш имконини беради. GOV.UK расмий порталида шахс муайян шартлар асосида пул талаби бўйича даъвони онлайн тарзда киритиши мумкинлиги, бироқ онлайн хизматдан фойдалана олмайдиган шахслар учун почта орқали мурожаат қилиш имконияти ҳам сақлангани кўрсатилган [17]. Бу тажриба “рақамли биринчи навбатда”, лекин “фақат рақамли” эмас деган ёндашувни ифодалайди. Ўзбекистонда ҳам судга мурожаат қилишда электрон шаклни кенгайтириш билан бирга, алоҳида тоифадаги шахслар учун анъанавий ёки ёрдамчи мурожаат каналларини сақлаб қолиш адолатли бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, “Рақамли суд” концепциясининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қуйидаги тақлифларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, “Рақамли суд” концепциясининг ҳуқуқий мақоми, асосий тушунчалари, қўлланиш доираси ва процессуал кафолатларини белгилайдиган алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши мақсадга

мувофиқ. Ушбу ҳужжатда “рақамли суд”, “электрон суд иши”, “рақамли суд мажлиси”, “судда сунъий интеллектдан фойдаланиш”, “автоматик шакллантирилган суд ҳужжати лойиҳаси”, “электрон суд материаллари” каби тушунчалар аниқ белгиланиши лозим.

Иккинчидан, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс ва Жиноят-процессуал кодексида электрон иш юритиш, видеоконференцалоқа, электрон ҳужжат, электрон далиллар, электрон хабар бериш ва рақамли суд мажлисига оид нормалар ягона ёндашув асосида уйғунлаштирилиши лозим. Ҳозирги ҳолатда ушбу нормалар мавжуд бўлса-да, улар тармоқ кодексларида турлича ифодаланган.

Учинчидан, сунъий интеллектдан судлар фаолиятида фойдаланишнинг ҳуқуқий чегаралари аниқ белгиланиши зарур. Жумладан, сунъий интеллект суд муҳокамасининг тахминий натижасини ҳисоблаши, суд харажатларини автоматик аниқлаши, ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаши ёки баённомани матнга айлантириши мумкин. Аммо суд қарори қабул қилиш ваколати фақат судьяга тегишли бўлиши, сунъий интеллект натижаси судья учун мажбурий ҳисобланмаслиги қонунда аниқ кўрсатилиши керак.

Тўртинчидан, “Рақамли суд” тизимларида алгоритмик шаффофлик ва инсон назорати принциплари мустаҳкамланиши лозим. Судья, тарафлар ва уларнинг вакиллари қайси процессуал босқичда сунъий интеллектдан фойдаланилгани, у қандай вазифани бажаргани ва унинг натижаси ҳуқуқий қарорга қандай таъсир қилгани ҳақида хабардор бўлиш имкониятига эга бўлиши керак.

Бешинчидан, “Рақамли суд” тизимларида шахсга доир маълумотлар, тижорат сирлари, адвокатлик сирини, тергов сирини ва суд ишига оид бошқа муҳофаза қилинадиган маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича алоҳида киберхавфсизлик стандартлари ишлаб чиқилиши керак. Суд ахборот тизимлари давлат ва жамият учун юқори аҳамиятга эга бўлган ахборот инфратузилмаси сифатида қаралиши лозим.

Олтинчидан, электрон суд хизматларидан фойдалана олмайдиган шахслар учун суд биноларида, давлат хизматлари марказларида ёки бошқа белгиланган жойларда ёрдамчи рақамли хизмат нуқталарини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бу рақамли тенгсизлик туфайли шахсларнинг судга муурожаат қилиш ҳуқуқи чекланиб қолишининг олдини олади.

Еттинчидан, “Рақамли суд” концепциясини жорий этиш жараёнида судьялар, суд аппарати ходимлари, адвокатлар, прокурорлар ва бошқа процесс иштирокчилари учун рақамли кўникмалар бўйича махсус ўқув дастурлари ишлаб чиқилиши лозим. Чунки ҳар қандай рақамли тизимнинг самарадорлиги уни қўллайдиган инсонларнинг ҳуқуқий ва техник тайёргарлигига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, “Рақамли суд” концепцияси Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилиш, одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш, судлар фаолиятининг очиқлиги ва тезкорлигини ошириш учун муҳим имконият яратади. Бироқ ушбу концепциянинг муваффақияти фақат техник инфратузилма ёки дастурий таъминотга эмас, балки унинг ҳуқуқий асослари қанчалик пухта, аниқ ва процессуал кафолатлар билан таъминланганига боғлиқ. Шу сабабли “Рақамли суд”ни жорий этишда Конституцияда белгиланган суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, судья мустақиллиги, суд муҳокамасининг очиқлиги, тарафлар тенглиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва инсон назорати принциплари асосий мезон бўлиб қолиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.
2. Судлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июль ўРҚ–703-сон Қонуни //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.07.2021 й.

3. Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 сентябр ПҚ–4818-сон қарори //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 04.09.2020 й.

4. Судлар фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали одил судловга эришиш даражасини ошириш ҳамда суд тизимининг моддий-техника таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 август ПФ–140-сон Фармони //Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 23.08.2025 й.

5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Lex.uz

6. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Lex.uz

7. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. Lex.uz

8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Lex.uz

9. Pulatova N.S. Theoretical and legal analysis of e-justice in the Republic of Uzbekistan // TSUL Legal Report. – 2023. – Vol. 4. – Issue 3. – P. 7–13. DOI: 10.51788/tsul.lr.4.3./HQME3285.

10. Komolov D.P. Digitalization of the Court System of the Republic of Uzbekistan // Journal of Learning on History and Social Sciences. – 2024. – Vol. 1. – № 11. – P. 1–9. DOI: 10.61796/ejllhss.v1i11.1028.

11. Насуллаев М. Судлар фаолиятида рақамли технологияларни жорий этиш масалалари // Юрист ахборотномаси. – 2025. – Т. 8. – № 6. – Б. 112–119.

12. O'rolov A., Yangiboyev N. Raqamli davrda ma'muriy sud ish yurituvi: muammo va istiqbollar // Academic Research in Modern Science. – 2026. – Vol. 5. – № 13. – P. 130–135. DOI: 10.5281/zenodo.19848923.

13. CEPEJ. European Ethical Charter on the use of artificial intelligence in judicial systems and their environment. Council of Europe, 2018.

14. e-Estonia. Justice and public safety: e-File.

15. Singapore Judiciary. eLitigation.

16. eLitigation. About Service Bureau.

17. GOV.UK. Make a court claim for money.